ФУҚАРОЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ

Т.Т.Мадумаров

Мақолада фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини ташкил этиш асослари ва тартиби, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқидан фойдаланиш ва унинг бекор бўлиши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *фуқаро, мулк, шартнома, оила, бозор, ҳуқуқ, қонун, хусусий мулк*

В данной статье рассматриваются аспекты основ и порядка формирования прав граждан на частную собственность, использования ими данных прав и вопросы их аннулирования.

Ключевые слова: *гражданин, имущество, договор,семья, рынок, право, частная собственность*

This article presents some information concerning the property law nd rights of citizens in the process of using in the social life.

Key words: *citizen, property, market, law, family, contract, economic, private ownership*

Кенг маънода олинганда мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ҳамда бекор бўлиш асослари муайян бир жамиятнинг иқтисодий, сиёсий тизими, қолаверса, унда мавжуд бўлган ҳуқуқий тизимига асосланади. Мазкур факторнинг таъсири натижасида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлишининг турлари ва доираси турлича бўлиши мумкин.

Эндиликда жамиятимизда олиб борилаётган кенг қамровли ўзгаришлар натижасида мулкий муносабатлар соҳасида ҳам эскича қарашларга барҳам берилиб, эркин бозор иқтисодиёти талабларига ҳамоҳанг равишдаги янги мулкий муносабатлар тизими шаклланади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларидан фарқли равишда, маълум бир иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг, умуман, мулкий муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли бўлишини тақозо этади. Бозор иқтисодиёти – эркин иқтисодиётдир. Эркин бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси иқтисодий плюрализм, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишидир. Бозор иқтисодиётида айрим мулк шаклининг ҳукмрон мавқега эга бўлишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларни хусусий иқтисодий фаолият билан шуғулланишга, бу борада иқтисодий актив бўлишига чорлайдиган иқтисодий тизим таъсири натижасида хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларининг турлари ортди ва янги мазмун касб этди. Хусусан, фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини қўлга киритиш асосларидан бири бўлган олди-сотди шартномасига назар ташласак, олдинги даврларда фуқаролар томонидан ушбу шартнома фақат истеъмол хусусиятидаги объектлар юзасидан тузилиши назарда тутилган бўлса, ҳозир эса улар билан биргаликда ишлаб чиқариш мақсадига йўналтирилган объектлар юзасидан тузилиши мумкин. Бундай ўзгаришлар мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи бошқа асосларда ҳам ўз ифодасини топди. Умуман олганда, ривожланган товар ишлаб чиқариш шароитида мулк ҳуқуқини ўтказишга қаратилган битимлар мулк ҳуқуқи вужудга келишининг муҳим асосларидан бирига айланади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотни тақсимлашнинг бозор усули кенг қамровли аҳамият касб этади ҳамда товар олди-сотди шартномаси мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади.

Барча ҳуқуқий муносабатлар каби, мулкий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам маълум бир юридик фактлар воситасида вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Ушбу юридик фактлар эса назарияда мулк ҳуқуқини кўлга киритиш асослари деб юритилади. Мулк ҳуқуқини қўлга киритиш асослари замонавий цивилистик адабиётларда, шунингдек, усуллар сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Қонунга кўра шахсларда муайян мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келишига олиб келувчи турли хил ҳуқуқ яратувчи юридик фактлар ҳисобланади. Мазкур юридик фактлар эса ўз навбатида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабат мулк ҳуқуқи қонунда назарда тутилган фактларнинг содир бўлиши билан вужудга келади.

Бундай тавсифдаги юридик фактларнинг рўйхати келтирилган ФК нинг 15-боби таҳлили

Т.Т.Мадумаров *– АДУ миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент*

натижасида фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: меҳнат фаолияти, фуқаролар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти натижасида мол-мулкни яратиш ва кўпайтириш; фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга йўналтирилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан уйжой (квартира)ни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари; мол-мулкни хусусийлаштириш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва бошқа қонунга зид бўлмаган асослардан иборатдир.

Хусусан, ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг ҳосила усулида мулкдорнинг розилигидан ташқари шу ашёга нисбатан бошқа мулкдор бўлмаган шахсларнинг (ижарачининг, гаровга олувчининг ва бошқа чекланган ашёвий ҳуқуқ субъектларининг) ҳуқуқлари мавжудлигини инобатга олиш зарур. Мазкур ҳуқуқлар ашёнинг мулкдори ўзгарганда ҳам бекор бўлмайди. Жумладан, бундай ҳолат қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, ФК нинг 184-моддаси 2-қисмида “собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади” деб кўрсатилган. Бу ерда аниқ ифодаланган бўлмаса-да, бироқ қадимдан Рим хусусий ҳуқуқида мавжуд бўлган ҳеч бир шахс ашёга доир ўзига тегишли ҳуқуқлардан ортиқ ҳуқуқларни бошқа шахсга топшира олмайди деган тамойилга амал қилинган.

Мулкий муносабатларда иштирок этувчи шахсларнинг эркли (иродаси)ни мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларини ажратувчи мезон сифатида эътироф этувчи муаллифларнинг таъкидлашича, чегаралаш вақтида ҳар доим собиқ мулкдорнинг эркли (иродаси)га асосланиш зарурдир. Ушбу мезон тарафдорлари дастлабки усул бўйича мулк ҳуқуқи собиқ мулкдор эркли (иродаси)дан мустақил равишда ёки биринчи бор, ҳосила усулларда эса олдинги мулкдорнинг эркли (иродаси)га асосан ва унинг розилиги билан қўлга киритилади, деб ҳисобланади. Бироқ мазкур мезон амалиётда ҳар доим ҳам ўз тасдиғини топавермайди. Жумладан, қўлга киритувчининг мулк ҳуқуқини вужудга келиши собиқ мулкдорнинг мулк ҳуқуқини мажбурий равишда бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган вақтларда намоён бўлади. Хусусан, мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар қўлга киритувчига дастлабки мулкдорда мавжуд бўлган ҳажмда ўтади, чунки бунда мажбуриятларни бекор қилиш учун асослар бўлмайди. Шунинг билан биргаликда, ҳақиқат юзасидан тан олиб айтиш керакки, ушбу муаллифлар томонидан таклиф этилган эркли (ирода) мезони кўпгина ҳолларда, айниқса, шартномага асосан мулк ҳуқуқи қўлга киритилаётганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг ҳосилавий усуларидан бири бўлган олди-сотди шартномасида эркли (ирода) авваламбор томонларнинг ўзаро келишувида ифодаланади. Бундай ҳолат, шунингдек, васиятнома бўйича меросни қабул қилиб олиш натижасида мулк ҳуқуқи қўлга киритилганда ҳам намоён бўлади. Бундай ўтишнинг асоси (юридик факти) бўлиб мол-мулкни бегоналаштиришга қаратилган олди-сотди, айирбошлаш ҳадя ва бошқа шартномалар ҳамда мерос олиш ҳисобланади. Мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларидан фақатгина ҳосила усулида ҳуқуқий ворислик содир бўлади. Дастлабки усулда эса мулк ҳуқуқининг қўлга киритилиши собиқ мулкдорнинг ҳуқуқларига боғлиқ бўлмагани сабабли ворислик бўлмайди.

Шунга асосан, мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларини чегаралашда ҳуқуқий ворислик мезони асос қилиб олинганда, дастлабки усул бўйича мулк ҳуқуқи қўлга киритувчининг ҳуқуқлари собиқ мулкдорнинг ҳуқуқларига боғлиқ бўлмаган ёки ашёга нисбатан умуман бундай ҳуқуқлар мавжуд бўлмаган ҳолатлар киритилса, ҳосила усул бўйича мулк ҳуқуқи эгалик қилувчи субъектнинг ҳуқуқлари собиқ мулкдорнинг ҳуқуқларига боғлиқ ҳолдаги ўтиши назарда тутилади. Ҳозирги вақтда айнан ҳуқуқий ворислик мезони юридик адабиётларда кенг равишда тан олинган бўлиб, унинг асосий ижобий хусусияти шуки, ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи бошқа субъектга ўтказилганда унда мавжуд бўлган мажбуриятларни сақлаб қолишни асослаш имкониятини беради. Айнан шу сабабли мазкур мезон бошқа давлатларнинг юристлари томонидан ҳам мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларини чегаралашда қўлланиб келинмоқда.

Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ворислик собиқ мулкдорнинг эркли (иродаси)дан мустақил равишда ҳам вужудга келади. Хусусан, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, яъни мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, ушбу улушни васиятномани тузган мерос қолдирувчининг эркли (иродаси)дан ташқари мерос қилиб оладилар. Шубҳасиз, бундай ҳолдаги мерос олиш ҳам ҳуқуқини қўлга киритишнинг ҳосила усули ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юридик шахслар ва жисмоний шахслар ўртасида келиб

чиқадиган мулкий характерда бўлган ва мулкий характерда бўлмаган барча муносабатлар Фуқаролик қонуни билан тартибга солинади ва шу муносабатлардан келиб чиқадиган низолар суд ва хўжалик судлари орқали ҳал этилади. Суд органларига мурожаат қилишга олиб келадиган низолар келиб чиқмаслиги учун Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча фуқаролар мулк ҳуқуқларини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни яхши билишлари ва тўғри таҳлил қилишлари лозим деб биламиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Мулкчилик тўғрисидаги Қонун. – Т., Адолат, 2013.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.: Адолат, 2014.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»-ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.- 1992.- 1-сон.- 43-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- 2012.- 39-сон, 446-модда.
6. Раҳмонкулов Х. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги.- Т., Адолат. 2003.

2015 йил 28 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Раҳимов)